

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Навоий вилоят статистика

бошқармаси бошлиғи

М.Ж.Рўзиев

2017 йил

Саноат статистикаси бўлими тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

Мазкур Низом Навоий вилоят статистика бошқармасининг саноат статистикаси бўлимининг (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

1. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Навоий вилоят статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. Бўлим саноат статистикаси бўлими бўйича ахборотларни шакллантириш ва таҳлил қилиш соҳаси бўйича статистика ишларини ташкил этиш бўйича фаолиятини Давлат статистика қўмитаси марказий аппаратининг таркибий бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари (кейинги ўринларда ҳудудий статистика органлари деб аталади) билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

4. Бўлим ўз фаолиятини вилоят статистика бошқармаси раҳбарлигида амалга оширади.

Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосарига бўйсунди.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) саноат статистикаси бўйича ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва бажариш, статистикани ташкил қилишнинг самарали тизимини таъминлаш ва давлат статистикаси соҳасида мувофиқлаштириш ва функционал тартибга солиш соҳасида:

саноат статистикаси маълумотларидан фойдаланувчиларнинг талабларини ўрганишни ҳисобга олган ҳолда истиқболли мақсадлар ва йўналишлар бўйича статистик кўрсаткичларни жорий этиб бориш;

Давлат статистика ишлари дастурининг Саноат статистикасига оид қисми бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва тақдим этиш;

саноат статистикаси соҳасида давлат статистика принциплари ва халқаро стандартларга бўйича жавоб берадиган ягона статистика услубиётига риоя этилишини таъминлаш;

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, методологик ишларнинг режа-жадвали, Бошқарманинг иш режаларини ўз вақтида шакллантирилишида иштирок этиш;

ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига Бўлим ваколати доирасидаги таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этиш.

б) халқаро стандартларга жавоб берадиган ягона статистик услубиётни ва давлат статистика кузатув шакллариини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш соҳасида:

саноат статистикаси маълумотларини йиғиш ва қайта ишлашнинг замонавий методологияси ва методикаларини кенг жорий этиш йули билан статистик кузатувлар тизимини қабул қилинган халқаро амалиётга янада мослаштиришни амалга ошириш;

саноат статистикаси бўйича давлат статистика кузатувлари шакллариини ишлаб чиқиш, тасдиқлашга киритиш ва амалиётга жорий этиш, статистик кузатувлар ўтказиш усулларини аниқлаш;

давлат статистика соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда Бўлим ваколати доирасида иштирок;

саноат статистикаси соҳасида ҳолис, сифатли ва долзарб ҳисобот маълумотларини тайёрлашни мувофиқлаштириш ва идоравий кузатувлар шакллариини келишишда иштирок этиш;

фойдаланувчиларнинг статистик маълумотларга булган талабига мувофиқ, саноат статистикаси соҳаси бўйича ривожланаётган хорижий тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва тарқатиш;

саноат статистикаси соҳасида халқаро ташкилотлар томонидан мамлакатлар рейтинг баҳоларини тузиш учун фойдаланиладиган ахборот манбаларини ўрганишни ташкил этиш, улар асосида шакллантириладиган ва тарқатиладиган статистик кўрсаткичлар тарқибини яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

саноат статистикаси бўйича давлат статистика ҳисоботлари тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва ҳисоботларни тузиш тартиби бўйича йўриқнома ва қўлланмалар ишлаб чиқиш.

в) саноат статистикасига оид ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистик ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш соҳасида:

Давлат статистика ишлари дастурининг саноат статистикасига оид қисмини бажарилишини таъминлаш;

вилоятни, унинг ҳудудларини, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурларининг бажарилиши юзасидан давлат статистика кузатувларини Бўлим ваколати доирасида ташкил этиш ва амалга ошириш;

саноат статистикаси соҳасига оид давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда, зарур ҳолларда қоғоз кўринишида йиғишни ва бошқа кузатувларни ташкил этиш;

саноат статистикаси бўйича статистик кўрсаткичларнинг статистик ҳисоб-китобларини амалга ошириш ҳамда дастлабки статистик таҳлилин олиб бориш;

статистик ҳисобот кўрсаткичларини тезкорлиги, ишончлилиги ва холислигини ҳамда статистик маълумотларнинг шаффофлиги ва очиклигини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

хўжалик юритувчи субъектларга саноат статистикасига оид давлат статистика ҳисоботи кўрсаткичларини ишончли тақдим этишда ҳар томонлама кўмаклашиш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар буйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда тулдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлаш ;

саноат статистикаси соҳасига оид статистик маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш; қонунчиликка мувофиқ, Бўлим иш фаолияти жараёнида вужудга келган архив ҳужжатларини саралаш, сақлаш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш бўйича ишларни амалга ошириш;

2) давлат органлари, юридик шахслар, халқаро ташкилотлар ва оголили белгиланган тартибда саноат статистикасига оид ахборотлар билан таъминлаш соҳасида:

миллий ва хорижий фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун саноат статистикасига оид кўрсаткичларни максимал даражада шаффофлиги ва ошқоралигини, халқаро статистик тупламлар учун тайёрланишини таъминлаш;

оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун саноат соҳасида юз бераётган ўзгаришларни ифодаловчи тахлилий маълумотлар ва пресс-релизлар тайёрлаш;

саноат соҳасини тавсифловчи тезкор ва сифатли статистик маълумотлари тайёрлашни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлари ижроси юзасидан Бўлим ваколати доирасида йиллик ва чораклик статистик ҳамда тахлилий материалларни тайёрлашда иштирок этиш;

саноат статистикасига оид статистик кузатувлар ва расмий статистик маълумотларни тарқатиш бўйича ташкил этиладиган ахборот-тушунтириш ишларида иштирок этиш.

7. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

саноат статистикаси соҳаси услубияти, статистика ишларини ташкил этиш ва уларни бажариш масалалари бўйича Бошқарманинг таркибий бўлимлари ва туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари ёрдам курсатади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини уз вақтида ва тулик куриб чиқилишини, конуп ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда мурожаат эгаларига жавоблар тайёрлайди;

Бошқарма раҳбариятининг топшириқлари ва фойдаланувчиларнинг сўровларига асосан саноат статистикаси бўйича маълумотлар тайёрлайди;

Бўлимнинг услубий, иктисодий, ташкилий ва статистик ишлари режаларини шакллаштиради ва уларнинг ижросини таъминлайди;

Бўлим ваколагига кирадиган масалалар бўйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда тулдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлайди;

Бошқарма раҳбарияти куриб чиқиши учун тахлилий ва бошқа материалларни тайёрлайди; саноат статистикаси соҳаси бўйича халқаро нормалар ва талабларга жавоб берадиган статистик услубиётни ишлаб чиқади ва давлат статистика кузатувлари шакллари статистик маълумотларни шакллантириш жараёнига жорий этади;

Давлат идоралари, юридик шахслар ва аҳолини белгиланган тартибда саноат статистикасига оид статистик маълумотлар билан таъминлайди;

туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари иш услубини такомиллаштириб боради, фуқаролар мурожаатларини уз вақтида бажарилишини таъминлайди, бўлим ходимлари томонидан узларига юклатилган вазифаларни уз вақтида ва сифатли бажарилиши буйича масъулиятини ошириб боради;

Боқарманинг таркибий бўлимлари ҳамда туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари билан биргаликда саноат статистикаси соҳасида ахборотларни шакллантириш буйича ишларни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

Давлат статистика ишлари дастурининг саноат статистикаси қисми бўйича вазифалар ижросини таъминлайди;

туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари томонидан, саноат статистикаси соҳасига оид давлат статистика кузатувларини ягона статистика услуби асосида ташкил этиш ишларини мувофиқлаштиради;

саноат статистикасига оид давлат статистика хисоботларини электрон шаклда тақдим этиш ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий қилиш ишларини ташкил этади, бу йўналишда туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, саноат статистикаси асосида кўрсаткичларнинг такомиллаштирилган маълумотлар базасини юритади;

Бўлим узига юклатилган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Бошқарма бўлимлари, туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимларидан узига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сураш ва олиш;

саноат статистикаси соҳасида ишларини ташкил этиш ва такомиллаштириш буйича бошқарма раҳбариятига таклифлар киритиш;

давлат статистика кузатуви шакллари узгартириш ва уларни тақдим этиш тартиби, давлат статистика кузатувларини утқишиш усуллари, давлат ва ҳужалик бошқаруви органларининг идоравий статистик кузатув шакллари буйича таклифлар бериш;

туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари томонидан саноат статистикаси соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

давлат ва ҳужалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг узини узи бошқариш органларидан ва бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) давлат статистика хисоботларини белгиланган тартибда олиш ҳамда улардан статистика мақсадларида фойдаланиш;

давлат ва ҳужалик бошқаруви органларидан саноат статистикасига оид ишларни олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни (уларни ишлаб чиқишнинг исталган босқичида), шунингдек уларга илова қилинадиган тушунтиришларни сураш ва олиш;

саноат статистикаси соҳасига оид давлат статистикаси кузатувларининг методологияси ва ташкил этилиши, шунингдек расмий статистик ахборотлар билан боғлиқ масалалар буйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

саноат статистикасига оид маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончлиги ва ҳолисоналигини экспертизадан утқишиш;

саноат статистикаси соҳасидаги давлат статистика маълумотларида бузилишлар

аникланган тақдирда, уларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар бериш ва йиғма давлат статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

саноат статистикасига оид масалалар юзасидан халқаро статистика ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, семинар ва йиғилишларда, шунингдек халқаро семинар ва йиғилишларда иштирок этиш;

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Давлат статистика кумитасининг иш режалари, Бўлимлар иш режасининг тузилиши ва мазмуни бўйича Бошқарма раҳбариятига таклифлар киритиш;

Бўлим ваколатига қирадиган масалалар бўйича бошқарма бўлимлари билан ҳамкорлик қилиш;

Бўлим қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

9. Бўлим қуйидагилар учун жавобгар:

ўзига юкланган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколатига қирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

давлат статистикаси принципларига амал қилиш, илғор халқаро амалиётга мувофиқ фойдаланилаётган усуллар ва методикаларни доимий равишда такомиллаштириш;

Бўлим ходимлари томонидан белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

4-боб. Бўлим тузилмаси

10. Бўлимнинг тузилмаси ўз ичига Бўлим бошлиғини, шунингдек:

Бўлим бош ва етакчи мутахассислар, 1-тоифали мутахассислар қиради.

11. Бўлимнинг ишига Бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади.

12. Бўлим бошлиғи ва мутахассислари Бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

13. Саноат статистикаси бўйича йиғма таҳлилий ахборотларни шакллантиришда қуйидагиларни амалга оширади:

саноат соҳасида мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши бўйича ойлик, чорақлик ва йиллик статистик ҳамда таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ва тақдим этиш;

таҳлилий жадваллар, пресс-релизлар, маърузалар ва статистик тупламларни тайёрлаш, динамик катор курсаткичларини юритиш;

маълумотлар тақдим этиш ва ахборот-тушунтириш тадбирларини қўлдан келтирилган ҳолда респондентлар ва ахборот фойдаланувчилари билан узаро ҳамкорликда фаолият олиб бориш;

Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш курсаткичларини саноат соҳасида таҳлилий ахборотларни шакллантириш жараёнида маҳаллий ва хорижий фойдаланувчилар кенг доираси учун статистик ахборотларни имкон даражасида шаффофлиги ва ошқоралигини таъминлаш;

14. Саноат ишлаб чиқариш соҳасида тизимли статистик қўзғувлари бўйича қуйидагиларни амалга оширади:

саноат ишлаб чиқариш статистикаси бўйича (қўзғув шакллари ва йиғма таҳлилий жадваллар намунаси, курсаткичларни ҳисоблаш методикаси, маълумотларни қайта ишлаш бўйича дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун техник топшириқларни тайёрлаш) статистик инструментариоларни шакллантириш;

саноат ишлаб чиқариш статистикаси бўйича ахборотларни Давлат статистика ишлари

дасгурида белгиланган ишлар ва муддатлар буйича йигиш, кайга ишлаш, умумлаштириш, тахлил килиш, саклаш, чон этиш;

саноат ишлаб чиқариш соҳаси буйича муҳим индикаторларни баҳолаш ва ҳисоб- китобини юритиш, барқарор ривожланиш мақсадлари индикаторлари учун маълумотлар тайёрлаш;

саноат ишлаб чиқариш статистикаси ахборотларини шакллантириш масалалари буйича шаҳар ва туманлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

саноат ишлаб чиқариш соҳаси буйича статистик ахборотларни йигиш, кайта ишлаш, умумлаштириш ва саклашнинг замонавий усул ва услубиятларини кенг жорий қилган ҳолда статистик кузатувларни ташкил этиш ва умумэтироф этилган халқаро амалиётга мослаштириб бориш.

15. Энергетика, энергиянинг кайта тикланадиган манбалари статистикаси ва энергосамарадорлик ҳисоб-китоблар шўбаси қуйидагиларни амалга оширади:

энергетика, энергиянинг кайта тикланадиган манбалари ва энергосамарадорлик статистикаси буйича (кузатув шакллари ва йигма тахлилий жадваллар намунаси, курсаткичларни ҳисоблаш методикаси, маълумотларни кайта ишлаш буйича дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун техник топшириқларни тайёрлаш) статистик инструментариёлларни шакллантириш;

энергетика, энергиянинг кайта тикланадиган манбалари ва энергосамарадорлик статистикаси буйича ахборотларни Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишлар ва муддатлар буйича йигиш, кайта ишлаш, умумлаштириш, тахлил килиш, саклаш, чоп этиш ва тарқатиш;

шаҳар ва туман статистика бўлимлари томонидан энергетика, энергиянинг кайта тикланадиган манбалари ва энергосамарадорлик статистикаси соҳасига оид давлат статистика кузатувларини ягона статистика методологияси асосида ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш;

энергетика, энергиянинг кайта тикланадиган манбалари ва энергосамарадорлик статистикаси буйича давлат статистика ҳисоботлари шакллари ва кузатув суровномаларини такомиллаштириш буйича таклифлар тайёрлаш;

энергетика, энергиянинг кайта тикланадиган манбалари ва энергосамарадорлик статистикаси буйича ахборотларнинг маҳаллий ва хорижий фойдаланиувчилар учун очиклигини таъминлаш ҳамда халқаро статистика ташкилотлари билан ҳамкорлиқни кенгайтириш.

5-боб. Бўлимнинг фаолиятини ташкил этиш

16. Бўлимнинг иши Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқиш дастури, Навоий вилоят статистика бошқармаси тўғрисидаги низом, мазкур Низом, Бошқарма бошлиғининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Бошқарманинг иш режалари, Бўлимнинг иш режалари ва Бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси Бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланадиган вилоят статистика бошқармасининг иш режалари асосида шакллантирилади ва бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Ходимларнинг функционал вазифалари Бўлим бошлиғи томонидан бўлимга юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланади ва Бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

17. Бўлим бошлиғи:

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади ва мутахассисларнинг ишини ташкил қилади, Бўлимга юкланган вазифа ва функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бўлимнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариятга кўриб чиқиш учун киритади;

Бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва бошқарма бошлиғига тасдиқлаш учун киритади;

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Бошқарма йиғилишлари ва мажлисларида, шунингдек бошқарма раҳбариятининг топшириғига биноан Бўлим тасарруфига кирувчи масалалар бўйича идоралараро ишчи гуруҳлар ва ҳайъатлар фаолиятида иштирок этади;

Саноат статистикаси соҳасида норматив ва методологик ҳужжатларни ва давлат статистика кузатувлари шакллари лойиҳаларини ишлаб чиқилишини ташкил қилади;

Бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ тахлилий ва умумлаштирувчи материалларни тайёрлайди, куйилган вазифаларни янада самарали амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини таъминлайди;

Бўлим ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Бўлим кадрлари захирасини шакллантиришни ва янгилашни, кадрлар захирасига киритилган шахслар билан тизимли ишларни ташкил қилишни таъминлайди;

Бўлим ходимлари билан юклатилган вазифалар, кирувчи ҳужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмашиш масалалари юзасидан йўриқнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказиши;

иш юритишни олиб бориш, топшириқларни ўз вақтида ижро этилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қилади, ходимлар томонидан хизмат ҳужжатлари билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибига амал қилинишини таъминлайди.

18. Бўлим бошлиғи вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Бўлим бош мутахассиси бажаради.

19. Бўлим бош мутахассиси:

статистик кўрсаткичларни ишончилиги, объективлиги, тўлиқлиги ва тизимлилигини таъминлашда иштирок этади;

кузатув шакллари ва йигма тахлилий жадваллар намунаси, курсаткичларни ҳисоблаш методикаси, маълумотларни қайта ишлаш бўйича дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун техник топшириқларни тайёрлаш, статистик инструментарийларни шакллантирилишини, бюллетенлар, тупламлар, маърузалар ва иктисодий ёзишма материаллар учун статистик маълумотлар тайёрланиши ташкил этади;

муҳим статистик индикаторларни баҳоланишини ва ҳисоб-китобини юритилишини таъминлайди;

статистика услубияти масалалари бўйича халқаро ва бошқа давлатлар тажрибасини урганиш ва уни миллий статистика амалиётига жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

давлат статистика ҳисоботлари шакллари ва кузатув суровномаларини такомиллаштириш

буйича таклифлар тайёрлайди;

статистик маълумотларни шархлаш, статистик кузатув бланкаларини тулдириш масалалари, маълумотларни йигиш ва қайта ишлаш услублари, статистик ҳисоб-китоблар утказиш, олинган маълумотларнинг ишончлилигини экспертизадан утказиш буйича маслаҳатлар беради;

статистик кузатувларнинг электрон маълумотлар базаси сақланишини ва асосий статистик курсаткичлар буйича динамик каторлар юритилишини назорат қилади;

Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишлар ҳажмини баҳолаш учун зарур булган материалларни тайёрлайди;

20. Бўлим етакчи мутахассиси:

функционал вазифаларига мувофиқ маълумотлар, материаллар, таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва уз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Президентга фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва протокол топшириқларидан келиб чиқадиган давлат статистика органлари вазифаларини амалга ошириш буйича таклифлар тайёрлайди;

бюллетенлар, тўпламлар, маърузалар ва иқтисодий ёзишма материаллар учун статистик маълумотлар тайёрлайди;

муҳим индикаторларни баҳолайди ва ҳисоб-китобини юритади; илмий журналлар, халқаро ташкилотларнинг методологик нашрлари ва Интернет тармоғидаги материалларни урганиш асосида статистика соҳасидаги илгор хорижий тажрибани ривожлантириш ва статистика амалиётига жорий этиш буйича таклифлар тайёрлайди;

давлат статистика ҳисоботлари шакллари ва кузатув суровномаларини такомиллаштириш буйича таклифлар тайёрлайди;

статистик маълумотларни шархлаш, статистик кузатув бланкаларини тулдириш масалалари, маълумотларни йигиш ва қайта ишлаш услублари, статистик ҳисоб-китоблар утказиш, олинган маълумотларнинг ишончлилигини экспертизадан утказиш буйича маслаҳатлар бериш;

асосий статистик курсаткичларнинг динамик каторларини юритади ва доимий равишда янгилаб боради;

статистик маълумотларни йигиш, қайта ишлаш, сақлаш ва тақдим этиш буйича дастурий таъминотларни синовдан утказишда иштирок этади;

булим бошлигининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, қуриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда курсагилган масалаларни ҳал қилиш буйича лойиҳани тайёрлайди;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

21. Бўлим 1-тоифали мутахассиси:

функционал вазифаларига мувофиқ маълумотлар, материаллар, таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва уз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Президентга фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва протокол топшириқларидан келиб чиққдиган давлат статистика органлари вазифаларини амалга ошириш бўйича тақлифлар тайёрлашда иштирок этади;

давлат статистика ҳисоботларини белгиланган муддатларда сифатли тақдим этилишини назорат қилади, олинган маълумотларни таҳлил қилади, улар асосида жамланма маълумотлар жадалларини шакллайтиради, асосий статистик курсатқичларни ҳисоблаш ишларини амалга оширишда иштирок этади;

бюллетенлар, тупламлар, маърузалар ва иқтисодий ёзишма материаллар учун статистик маълумотлар тайёрлашда иштирок этади;

давлат статистика ҳисоботлари шакллари ва кузатув суровномаларини такомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлашда иштирок этади;

статистик маълумотларни шарҳлаш, статистик кузатув бланкаларини тулдириш масалалари, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш услублари, статистик ҳисоб-китоблар утқизиш, олинган маълумотларнинг ишончилигини экспертизадаи утқизиш бўйича маслаҳатлар беришда иштирок этади;

булим бошлигининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, қуриб чиқиш учун зарур материаллар ва уларда курсатилган масалаларни хал қилиш бўйича тақлифлар тайёрлашда иштирок этади;

иш юритишни олиб боради. Бошқармада ҳужжатларнинг уғиш тартибини ташкил қилади, ҳужжатларни архивда сақлаш учун тайёрлаш ва уз вақтида тонширишни таъминлайди;

рахбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.